

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 17935

2022 йил “29” 04

Тошкент ш.

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти **“YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA”** давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда **“Бажарувчи”** деб юритиладиган **“PRIME TOWER GROUP”** масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва № АЛ-000500-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор **М.З. Худаяров.**, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда **“Тарафлар”** деб юритилади, Танлов комиссиясининг **2022 йил 27-апрелдаги 70470-сонли** танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда **“шартнома”** деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи **«Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидан оқиб ўтувчи “Конкус” каналининг Бунёдкор شوҳ кўчаси ён қисмидан Тошкент ҳалка автомобиль йўлигача бўлган қисмида ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш (АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)»** объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан **(ҚҚС билан) 320 000 000 (уч юз йигирма миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз микдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи куйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлаш.

3.2. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

“БАЖАРУВЧИ”

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPAINIYA” ДУК

МЧЖ “PRIME TOWER GROUP”

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,
16А-уй. РКЦ ГУ ЦБ г. Тошкента

МФО 00014 ИНН 204 775 594

ОКОНХ 69000

100021860262777068805110255

УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА

МИЛФИНА РУз

000 300 100 001 010

ИНН 201 122 819



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

Юридик манзили:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,
Байналминал кўчаси, 16.

х/р: 2020 8000 5006 0499 7001

АТБ “Капитал банк” Тошкент шаҳар
Чорсу филиал

МФО: 01033

СТИР: 303 879 121; ОКЭД: 71110



Директор

М.З.Худаяров

Handwritten signatures at the bottom of the page.



“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти
“ЯБХ” ИК директори в.б.
Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров

Тошкент шаҳар

«19» 04 2022й.

“Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидан оқиб утувчи “Конкус” каналининг Бунедкор шох кучаси ен қисмидан Тошкент халқа автомобиль йулигача булган қисмида ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш (АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг

БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сағдиев

-Бош муҳандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Ҳамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Абдунабиев А.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидан оқиб утувчи “Конкус” каналининг Бунедкор шох кучаси ен қисмидан Тошкент халқа автомобиль йулигача булган қисмида ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш (АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сағдиев, Ш. Қодиров, О.Ҳамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 15 апрел куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 70470 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “PRIME TOWER GROUP” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 27 апрелдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидан оқиб утувчи “Конкус” каналининг Бунедкор шох кучаси ен қисмидан Тошкент халқа автомобиль йулигача булган қисмида ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш (АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “PRIME TOWER GROUP” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.




С. Сағдиев




Ш. Қодиров




О. Хамидов



П. Абдусатторов



А. Абдунабиев



Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнининг
 Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2022 йил 11 апрелидаги 363-14-0-Қ/22-сонли қарори
 маҳаллий бюджетга ажратилган ресурслар бўғалига хисобидан





2022 йилги МАНВИЛДИ РЎИХАТИ

12.04.2022

№	2	3	4	5	6	7	8	2022 йил учун капитал қўйимлар мўлдат					2022 йилга фойдаланишни таъминлаш		16	17	18	19	20		
								9	10	11	12	13	14	15							
								Жамаи капитал қўйимлар	бу қўйимдан			Қўйимлу даят	Асосий фонд оғирлиги								
									Жамаи капитал қўйимлар	Кўйим - жисми	Жисми										Бюджетдан бошқа қўйимлар
1	Тошкент шаҳар Ювроскоб турарлиқ оғир қўйим "Сапар" қанализатор Тошкент ҳаёти автономия йўналиш Дўрмон йўналиш бўғали провизор корпоратив йўналиш ва салбиток таъминот этиши	2022И	объект					248,000			248,000									таъбир	
2	Тошкент шаҳар Ювроскоб турарлиқ оғир қўйим "Корватор" қанализатор Ювроскоб қўйимдан Экин Очков қўйимдан бўғали провизор корпоратив йўналиш ва салбиток таъминот этиши	2022И	объект					118,000			118,000										таъбир
3	Тошкент шаҳар Шакиловкор турарлиқ оғир қўйим "Кетил Кошкор" қанализатор Анкор бўғали қўйимдан Ташкор қўйимдан бўғали провизор корпоратив йўналиш ва салбиток таъминот этиши	2022И	объект					182,000			182,000										таъбир
4	Тошкент шаҳар Оманзор турарлиқ оғир қўйим "Канзор" қанализатор Йўрқондан айланма қўйим ва қўйимдан бўғали провизор корпоратив йўналиш ва салбиток таъминот этиши	2022И	объект					92,000			92,000										таъбир
5	Тошкент шаҳар Учқаш турарлиқ оғир қўйим "Эвдор" қанализатор "Фурсон" бўғалидан Тошкент ҳаёти автономия йўналиш бўғали 9.1 қўйимдан боғланатриши ва салбиток таъминот этиши	2022И	объект					458,000			458,000										таъбир
6	Тошкент шаҳар Чилонкор турарлиқ оғир қўйим "Бўрик" қанализатор Қўйим ҳаёти автономия йўналиш бўғалидан боғланатриши ва салбиток таъминот этиши	2022И	объект					276,000			276,000										таъбир

(қим. сўм)

№	Объектлар номи ва мазмуни	Кўришни боғлашнинг фойдаланиш тартиби ва мудири	Давлат қўрама	Объектнинг тузилиши (инженерия, асослар, бўғимлар, ётақчалар, ётақчалар, ётақчалар)	01.01.22 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	01.01.23 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	01.01.24 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	2022 йил учун амалда бўлганларнинг тузилиши					2022 йилда фойдаланишга таъминланган		01.01.23 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	01.01.23 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	01.01.23 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	01.01.23 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	01.01.23 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	01.01.23 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	01.01.23 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	01.01.23 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)	01.01.23 й. ҳаётнинг бошланғич объектлари (қурилиш, қурилиш, қурилиш)		
								Жами капитал қўшимчалар	Кўришни қўришни қўришни қўришни қўришни	Жисор	Жами	Жами	Қўрилган дера	Асосий фонд											
15	Тошкент шаҳар Давлаткорхона тўғрисидаги Ақсарай йўналиши бўйича қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича йўналиш	2022 й.	объект					220,000																	таъмир
16	Тошкент шаҳар Шайхонбўғи тумани "Қорғон" маҳаллининг 1,5 кв. метрлик участкада қурилиш ишлари бўйича йўналиш	2022 й.	объект					375,500																	таъмир
17	Тошкент шаҳар Шайхонбўғи тумани "Қорғон" маҳаллининг 1,5 кв. метрлик участкада қурилиш ишлари бўйича йўналиш	2022 й.	объект					239,900																	таъмир
18	Тошкент шаҳар, Оймуқ тумани, Қўриқ тумани бўйича йўналиш "Қорғон" маҳаллининг 1,5 кв. метрлик участкада қурилиш ишлари бўйича йўналиш, айвонлик, таъмир ишлари бўйича йўналиш	2022 й.	объект					155,500																	таъмир



[Handwritten signature]